

Такси хизмати учун электрон тўлов тизим

Урганчда такси хизмати учун электрон тўлов тизими синовдан ўтказилмоқда. Дастур ҳайдовчининг телефонига ўрнатилиб, йўл ҳақини мижознинг картасидан «контактсиз» ечиб олади.

«Sunday Taxi» МЧЖ томонидан йўналишсиз такси хизмати учун йўлқирани пластик карталар орқали электрон қабул қилишга мўлжалланган махсус дастур яратилди. Ушбу дастур Урганч шаҳридаги «Muso Avto» МЧЖнинг йўналишсиз такси машиналарига ўрнатилиб, 2017 йил 5 апрелдан бери синов тариқасида қўлланилмоқда.

Дастур ҳайдовчининг смартфонига юкланиб, «контактсиз» усулда тўловни қабул қилади. Яъни, ҳайдовчи телефонга мижознинг пластик картасини яқинлаштиради ва тариф асосида ҳисобланган йўлқирани кўрсатиб тегишли тугмачани босгач, 5-6 сония ичида пул ечиб олинади.

Хизмат ҳақи тўғридан-тўғри автокорхонанинг банк ҳисоб рақамига келиб тушиши билан мижознинг мобил телефонига тўлов амалга оширилгани ҳақида SMS-хабар келади (бунинг учун мижознинг картаси банкнинг SMS-хизмати тизимида рўйхатдан ўтган бўлиши керак). Дастур, шунингдек, кун мобайнида қайси ҳайдовчи томонидан неча пуллик хизматлар кўрсатилганини ҳам алоҳида қайд этиб бориб, корхоналарнинг ҳайдовчилар иш унумдорлигини баҳолаши ва уларга ойлик маошлар белгилашини осонлаштиради.

«Sunday Taxi» МЧЖ ҳозирда барча хоҳловчиларнинг пластик карталарига йўналишсиз такси хизмати ҳақини электрон шаклда тўлаш имконини берувчи ҳимояланган махсус QR-код ўрнатиб бермоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати